



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ
ВА РЕСПУБЛИКА «ISTIQBOLLI AVLOD» ИЖТИМОЙ-АХБОРОТ
МАРКАЗИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА
КЕЛИШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси номидан Қўмита Низомига мувофиқ иш юритувчи З.Б.Махкамова ва Республика «ISTIQBOLLI AVLOD» ижтимоий-ахборот Маркази Уставига мувофиқ иш юритувчи Н.Е.Каримова (кейинги ўринларда Томонлар, деб аталади)

Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, ижтимоий шериклик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва агрессорлар билан ишлаш бўйича механизмларини жорий этишдан келиб чиқиб, томонлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва қайта йўналтириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган самарали чоралар қабул қилишда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқиб,

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

**1. Томонларнинг ижтимоий ҳамкорлик соҳадаги
асосий мақсад ва вазифалари**

- хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ижтимоий-ахборот тадбирларни ташкиллаштириш;
- хотин-қизларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш, бундай ҳолатлар аниқланганда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашиш;
- хотин-қизлар ва боалларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож бўлган ва

огир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларга нисбатан тазйик ва зўравонликнинг барча турларини (жисмоний, рухий, иқтисодий, жинсий, кибер, ижтимоий) олдини олиш, бартараф этиш ва уларга қарши самарали профилактика чораларини кўриш;

- жамиятда болаларга нисбатан зўравонликка бўлган мурасасизлик муҳитини яратиш, зўравонликдан жабрланган болаларнинг ҳамда ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда иштирок этиш;

- узоқ муддатга кетганлар орасидан одам савдоси, ноқонуний миграция ва маиший зўравонлик жабрланувчиларини аниқлаш, идентификация қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, мавжуд маълумотлар алмашинуви механизмини такомиллаштириш;

- жабрланувчиларга кўмаклашиш ҳамда уларга ижтимоий-психологик-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали ҳимоясини таъминлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш; ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, тиббий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришда иштирок этиш;

- жабрланувчилар учун “1146” ишонч телефони ва “Долзарб алоқа тармоқлари”дан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- жабрланувчилар учун ҳимоя ордерлари тизимини самарали қўллаш ва унинг ижросини таъминлашда маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш;

- агрессорлар билан индивидуал ва гуруҳли тузатиш дастурларини жорий этиш, уларни психологик-тарбиявий иш жараёнларига жалб қилишга қаратилган ижтимоий буюртма, субсидия ва лойиҳаларни жалб этиш, ижросини таъминлаш;

- хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш, хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни жадаллаштириш;

- мигрантлар ва одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий ҳаётга мослашишлари учун мўлжалланган реинтеграция лойиҳаларида иштирок этиш;

- оилаларнинг, хусусан, ижтимоий заиф гуруҳга мансуб аҳоли ва миграция жараёнида бўлган оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш;

– оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, зўравонлик, агрессия ва одам савдоси муаммоси эҳтимолини оширувчи ноқобил–нотинч оилалар билан ишлаш ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўришда иштирок этиш;

– хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

– ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилалардаги қизларнинг таълим олиши, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиши, зарур тиббий ва психологик ёрдам олиши учун тизимли чора-тадбирлар кўриш;

– барча турдаги зўравонликдан жабрланган аёллар ва болаларга нисбатан стигма ва дискриминацияни олдини олиш, қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш тамойилларини тарғиб қилиш;

– хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, касб-ҳунар кўникмаларини эгаллашларига кўмаклашиш;

– лойиҳа, кичик, ўрта ва бошқа турдаги бизнес структуралар кўмагида одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланган, жиноят билан тўқнаш келиш хавфида бўлган ижтимоий заиф/хавфли гуруҳга мансуб ёки зўравонликдан азият чеккан хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун бепул тўғарақлар, ўқув курсларини ташкиллаштириш, касб кўникмаларини эгаллаш бўйича тажриба мактабида иштирок этишга жалб этиш.

– одам савдоси, ноқонуний миграция ва зўравонлик профилактикаси соҳасидаги мақолаларнинг журнал, газета ва бошқа нашрларида чоп этилишида кўмаклашиш; соҳа йўналишида қўлланма ва тавсиялар тайёрлаш; ижтимоий ахборот материаллари: плакат, брошюра, буклет, флаер бошқа турдаги босма маҳсулотларни, ижтимоий радиовидеороликларни тайёрланиши ва келгусида мақсадли гуруҳ вакилларида тақдим этилишида ўзаро ҳамкорликни олиб бориш кабилардан таркиб топади.

2. Ижтимоий ҳамкорлик принциплари

- қонунийлик;
- ижтимоий шериклик ва ҳамжиҳатлик;
- жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси;
- агрессорлар билан ишлашда тизимли ёндошув;
- ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши, масъулият ва шаффофлик.

3. Томонлар ҳамкорлигининг амалга оширилиши

3.1. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари билан ижтимоий ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади;

3.2. Ҳамкорлик томонлар ўртасида ўзаро маълумот алмашинувини йўлга қўйиш, ишчи учрашувлар ўтказиш, зарурий маслаҳатлашувларни амалга ошириш ва музокараларда иштирок этиш орқали таъминланади;

3.3. Ижтимоий ҳамкорлик асосида умумий аҳамият касб этувчи ҳамкорлик тадбирлар режаси, дастур ва бошқаларни ишлаб чиқилади ва қабул қилинади;

3.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган ҳамкорликнинг усул ва методлари акс эттирилган бошқа кўринишдаги Келишув, шартнома ва келишувларни имзолайди;

3.5. Томонларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати мазкур келишув шартларини бажариш учун асос бўлади.

4. Томонлар ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш

4.1. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, халқаро шартномалар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда давлат томонидан, шунингдек ўзаро қўллаб-қувватланиши;

4.2. Ижтимоий ҳамкорлик давлатнинг мақсадли фондлари, ижтимоий буюртмалари, субсидия, халқаро ва миллий лойиҳа грантлари томонидан қўллаб-қувватланиши;

4.3. Қонун билан тақиқланмаган ҳайрия фондлари, ҳомийлик ва бошқа маблағлар жалб этилиши мумкин.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Томонлар ушбу Келишув орқали одам савдосига қарши курашиш ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасида қабул қилинган қонунчиликка таянган ҳолда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилади.

5.2. Томонлар бошқа алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган Келишув, шартнома, келишув ва бошқа турдаги ҳужжатларни тузишлари мумкин.

6. Якуний қоидалар

6.1. Томонлар ўртасида ҳамкорлик фаолияти жараёнида юзага келган барча низо ёки зиддиятли масалалар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Ушбу Келишув томонлар вакиллари томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2 йил муддат давомида амал қилади.

6.3. Томонлар ўзаро ёзма келишув орқали мазкур Келишувга ўзгартириш ва қўшичалар киритиши мумкин.

6.4. Мазкур Келишувнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади, молиявий жавобгарлик масъулиятини юкламайди ва моддий харажатларни келтириб чиқармайди.

6.5. Мазкур Келишув 2025 йил «___» октябрда бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада давлат тилида тузилиб, Тошкент шаҳрида қуйидагилар томонидан имзоланди:

7. Томонлар реквизити

Бош Вазир ўринбосари -
Ўзбекистон хотин-қизлар
қўмитаси раиси
З.Б.Махкамова

100029, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани,
М.Исмоилӣ кўчаси 1 "Г" уй



Республика "ISTIQBOLLI AVLOD"
ижтимоий-ахборот маркази
раиси

Н.Е.КАРИМОВА
100015, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Минглар кўчаси, 40^а уй

м-12